

1,6 граммлик Қуръон ва 6 млн. китоб фондига эга кутубхона



09:30 / 19.12.2018 3213

Инсон қўли билан яратилганига ишониш қийин бўлган 1,6 граммлик муқаддас Қуръон нусхаларидан бири Тожикистон миллий кутубхонасида сақланади. Узунлиги 1,8 см, эни 1,2 см бўлган дунёдаги энг кичик Қуръон нусхаси 292 бетдан иборат бўлиб, унинг ҳар бирида 12 қатор матн жойлашган ва охириги бетида 10 та юмалоқ муҳр босилган. Китоб XX асрнинг бошларида Қозон шаҳрида чоп этилган.



Кутубхонада, шунингдек XVI асрда чоп этилган бошида иккита ва охириги варағи тилла суви югуртирилган Қуръонни, умумий ҳисобда 15 та илоҳий китоб қўлёзмаларини, Фирдавсий Шоҳномасининг асл нусхасини кўриш мумкин. Кутубхона бугун 6 млн. китоб фондига эга.



ابوالقاسم فردوسی (۹۳۴-۱۰۲۰)، شاهنامه، نسخه خطی سال ۱۵۲۶.
Абулқасими Фирдавси (тав. 934/ ваф. 1020), Шоҳнома.

Наргиз Қосимова, журналист,
Тошкент - Душанбе - Тошкент